

- **Соҳавий хизматларда**

ОДАМЛАР ИШОНЧИ МУҲИМ

2019 йил 16 январь. Мебель цехининг эгаси ўғрилиқ ҳақида хабар берганидан сўнг профилактика инспектори Муроджон Низомов хизмат машинасида воқеа жойига бир зумда етиб борди. Кимдир эшикнинг қулфини бузиб, ичкаридаги стол тортмасида қолдирилган анчагина пулни олиб кетибди.

Ўғрилиқни дарров сезишмаган, шу боис ҳар доимгидек ишга киришилган. Натижада қолдирилган излар топтаб ташланган. Тунда ёққан қор ҳам жиноятчининг фойдасига ишлаганди. Ўғрилиқни мебель цехига алоқадор одам содир қилгани аниқ. Чунки хоналарни титкиламасдан, тўғри пул сақланадиган жойга борган.

Шулар ҳақида ўйлаётган профилактика инспекторининг кўзи ховлидаги кузатув камерасига тушди ва тасвирларни сўради. Хира тасвирларни кўриб чиқар экан, ўғрининг камера ўрнатилганидан беҳабар ҳолда бу ишга қўл урганлигини сизди.

Чунки девордан ошиб кирган эркак цехнинг эшигига яқинлашганида дераза ойнасидаги видеокузатув ускунаси чироғи аксини кўриб қолгач, бир зум тўхтаб, вазиятни таҳлил қилди. Кейин юзи кўринмаслиги учун алангламасдан орқачасига юрган. Тепасига камера илинган девор тагига етиб боргач, ердаги узун тахта бўлагини олиб, камерани тепага қаратиб қўйди. Қисқаси, шахсини танитмасликнинг уддасидан чиққан.

Инспектор суриштирувни мебель цехи ва унга туташ дўконда ишловчилар билан суҳбатдан бошлади. Худди шундай, бу ерга келиб-кетувчиларга эътибор қаратди. Уларнинг ҳеч бирининг кўриниши ва ҳаракатлари кузатув камерасидаги эркакниқига ўхшамасди.

Ниҳоят, корхонада ишловчилардан бири “ёрилди”. Тасвирдаги шахсининг келбати бундан ярим йил илгари шу цехда устачилиқ қилган, Бахмал туманида яшовчи Пўлат исмли йигитниқига ўхшаб кетишини билдирди. Ишчи Пўлатнинг жиноятга алоқадорлигига ишончи комил бўлмагани учун бу ҳақида айтишга шошмаган. Маълумот текшириб кўрилгач, ростдан ҳам жиноятни Бахмал туманида яшовчи, 1999 йилда туғилган Пўлат Сариев содир этганлиги аён бўлди.

Жиноят фош қилиниши билан профилактика катта инспектори, капитан Муроджон Низомов енгил тортди. Ҳар сафар кимгадир ёрдами текканида, бировдан миннатдорчилик эшитганида кўнглида шундай мамнунлиқни туяди. Ишингдан завқ олиш, касбдан фахрланиш, дегани шу бўлса керак.

Завқланмасинми, дилидаги ниятларининг бариси ушалаяпти. Ота-онасининг билдиришича, мактабга борар-бормас ички ишлар ходими бўлишини айтиб, уларни хурсанд қилган экан. Аслида бу касбга меҳрни ички ишлар органлари ходими бўлган тоғаси уйғотган. Ҳар сафар Самарқанд шаҳрида яшовчи қариндошиниқига борганида фуражқасини бошига кийиб, аскарчасига қадам ташлашга интилганини эслайди...

Муроджон мактабда ўқиб юрган кезларида қалбидаги ҳавас қатъий мақсадга айланди. У яхши ўқиш билан бирга қаратэ, эркин кураш, сузиш тўғаракларига мунатазам қатнади. Шифокор бўлиб ишловчи ота-онаси икки опаси ва бир укаси қаторида Муроджоннинг қизиқишларини қўллаб-қувватладилар.

Ўзи туғилиб ўсган Жиззах шаҳри, Ўратепалик маҳалласида жойлашган 14- ўрта умумтаълим мактабини тамомлагач, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда ўқиди. Ўрта махсус таълим муассасани тугатгач, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртида шижоат билан таълим ола бошлади.

Бу ерда қўл жанги сирларини ўзлаштиришга киришди. Академияда қатъиятли бўлишни, дўстларни қўллаб-қувватлашни, чигал масалаларни бирдамликда ҳал қилишни ўрганди, иродасини чиниқтирди. Худди шундай, инглиз тилига оид билимларини бойитиб борди. Натижада инглиз тили фани бўйича академия миқёсида ўтказилган кўрик-танловда 3- ўрин соҳиби бўлди. Илмга чанқоклиги, бир қатор спорт турлари билан шуғулланганлиги уни ибратли тингловчилардан бирига айлантирди.

Академияни тамомлагач, 2014 йилда Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани марказида профилактика инспектори бўлиб ишлай бошлади. Келганига кўп бўлмасдан ҳудудида 2 тоннадан ошиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўғирлангани тўғрисида ариза тушди. Овлоқдаги бўш бинога жойланган нўхат, мош сингари маҳсулотларнинг бир дона қулфга ишониб топширилгани жиноятчига қўл келганди.

Инспектор кимдир воқеага гувоҳ бўлганлигини тахмин қилиб суриштира бошлади. Жуда кўплар билан учрашди, муқаддам судланганлар, кўчадан бери келмайдиганлар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга эътибор қаратди. Ниҳоят ўғрини аниқлашнинг иложини топди. Бу воқеа уни икки хулосага ундади. Яъни, яхшилаб уринилса, ҳар қандай жиноятни очиш мумкин. Шунингдек, одамлар ишончисиз ҳуқуқбузарни топиш мушкул бўлишини англади.

Ўшанчун қаерда ишламасин одамлар билан кўпроқ мулоқот қилишга, аҳолининг ишончига киришга ҳаракат қилади. Самимийлиги, киришувчанлиги, ҳаммага қўлидан келганча ёрдам кўрсатиши боис, одатда бу иш қийин кечмайди. Айни шу хислатлари сабаб жамоада ҳам ҳамиша ҳурматга лойиқ кўрилган.

Аммо ходимнинг ҳурматини биринчи навбатда жиноятни фош этишга оид кўрсаткичлари таъминлайди. Бунга “Камаз” юк машинаси кабинасидан 12 миллион сўм пул ўғирлаган жиноятчини тутганида амин бўлган. Дўстлик тумани марказида босар-тусарини билмасдан пул сарфлаётган фуқарони кузатиш йўли билан унинг айбини исботлаганди ўшанда.

Тергов давомида гумонланувчи яна 6 та ўғирлик содир этганлигини тан олди. Ўғирланган пул ва буюмларнинг бир қисми унинг ҳовлисидан

чиқди. Бу воқеадан кўп ўтмай Муроджон Низомов вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан рағбатлантирилди.

Кейинчалик Жиззах шаҳрининг Зилол маҳалласида профилактика инспектори сифатида фаолият кўрсатди. Айни вақтда эса вилоят марказидаги Жиззахлик маҳалласида профилактика катта инспектори лавозимида эл тинчлигини асрапти. Бу даврда қатор жиноятларни очишга муваффақ бўлди. Шунга мос равишда уч марта ҳудудий ИИБлари, икки марта Жиззах вилояти ИИБ томонидан рағбатлантирилди. Намунали хизмати учун ота-онасига ташаккурнома ҳам топширилган.

2018 йилда “Ички ишлар органларининг намунали таянч пунктлари” кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб чиқиб, республика босқичида 3- ўринни эгаллади. Қисқа қилиб айтганда, у Жиззах вилояти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида самарали фаолият кўрсатаётган ходимлардан бири. 2018 йилнинг 8 оyi билан қиёслаганда жорий йилнинг ўтган даврида унинг назоратида бўлган Жиззахлик маҳалласида жиноятлар сони 17 тадан 10 тага қисқарган.

— Профилактика инспекторининг иши оғир, деган гапингизга унчалик кўшилмайман, — дея саволларимизга жавоб қайтарди капитан Муроджон Низомов. — Инсон қачонки касбини севса, ишининг оғирликларини сезмайди. Меҳнати унга қийинчиликдан кўра ором бағишлайди. Қолаверса, ички ишлар ходими бўлиш, қонунни ҳимоялаш, жиноятчиликка қарши кураш шарафли иш. Ички ишлар органи ходимини муваффақиятга етаклайдиган омилларга келадиган бўлсак, бу соҳа вакили эғнидаги формасини ғурур, деб билиши керак. Одамлар билан самимий бўлиши, уларни эшита билиши, ҳар доим уларга ёрдам бериши лозим. Шунда одамлар ички ишлар ходимига суянади, ўз навбатида ходим ҳам уларга суяна олади. Бундан ташқари, ходим жисмоний ва ҳуқуқий салоҳиятини ошириб бориши зарур. Сиздан кимдир ҳуқуқий ёрдам сўраса жавоб бера олмасангиз ёки жиноятчига юзма-юз тура олмасангиз, ундан бир қадам олдинда бўлмасангиз, одамлар сизга қандай ишонади? Президентимиз таъкидлаганидек, “Одамлар ички ишлар органининг ҳар бир ходимида ўзининг ҳимоячисини кўриши керак”.

Муроджон Низомовнинг турмуш ўртоғи, молия муассасасида менеджер бўлиб ишловчи Сарвиноз Низомова ҳамиша уни қўллаб-қувватлайди. Оиласидаги ўзаро тушуниш мақоламиз қаҳрамонига хизмат бурчини самарали бажаришида омил бўлаяпти, десак адашмаймиз. Муроджон ва Сарвиноз бир қизни ҳеч кимдан кам қилмай ўстиришяпти.

Айтганча, у китоб ўқишни ёқтиради, касб тақозосими, детектив асарлар ишқибози. Ҳуқуқий билимларини оширишга ҳам вақт топяпти. Хуллас, шижоатли, ҳар жабҳада ҳамкасбларига ибрат бўлаётган профилактика катта инспектори тўғрисида айтиб бермоқчи бўлганларимиз шулардан иборат.

(Жиноят тафсилотларида келтирилган исм-шарифлар ўзгартирилган).

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,
“Postda” мухбири.
Жиззах вилояти.**